

Ўзбекистон Президенти Покистон Ҳукумати раҳбари билан телефон орқали мулоқот қилди



5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислам Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Имрон Хон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Раҳбарлар муқаддас Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг дўст халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом равнақ тиладилар.

Жорий йил 3-4 март кунлари Покистонга амалга оширилган олий даражадаги давлат ташрифи якунида қабул қилинган қўшма “йўл харитаси” ижросининг бориши кўриб чиқилди. Энг аввало, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, туризм, маданият ва бошқа устувор йўналишлардаги кўп қиррали ҳамкорлик лойиҳа ва дастурларини ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон етакчиси Покистон Ҳукумати раҳбари ва халқига ушбу мамлакатда бўлажак муҳим сиёсий тадбир – парламент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

Манба